

ЎҚИШ БУЗИЛИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ТИЗИМЛИ ФАОЛИЯТИ

Ниёзова Лутфия Худайбергановна
T.H.Кори Ниёзий номидаги тарбия педагогикаси
миллий институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: ушбу мақолада ўқиши бузилишининг сабаблари, уни бартараф этишдаги тизимли ёндашув, давлат таълим стандартида ўқиши техникасига қўйилган талаблар, бола тарбиясида ижтимоий мухитнинг муҳим ахамияти хақида сўз боради.

Калит сўзлар: ўқиши бузилиши, товуш, ҳарф, бўғин, сўз, гап, матнни тушуниш, ижтимоий мухит.

Жаҳон таълим муассасаларида нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчиларни реабилитация қилиш, бошланғич синф ўқиши таълимида ўқиши кўникмасини шакллантириш учун зарур бўлган назарий билимларни амалий эгаллаш кўникмаларини шакллантиришнинг корекцион ривожлантирувчи таълим технологиялар амалиётга татбиқ этилмоқда. Инчхон декларациясида¹ ҳамма учун инклузив таълим талабларининг хилма-хиллиги, алоҳида ўзига қўпроқ эътибор талаб этадиган болаларнинг таълимга эҳтиёжларини ҳисобга олиш ҳамда уларни камситишнинг турли хил шаклларига қарши қурашиш, таълим олиш хуқуқини амалга оширишга тўскенилик қилувчи ҳолатларни бартараф этишда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ижтимоий мослашувининг самарадорлигини аниқлаш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бошланғич таълимда нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчиларни она тили ва ўқиши дарсларида дислексияни бартараф этишга қаратилган топшириқларни танлаш механизmlари бадий асар матнини ўқиб, унинг мазмунини тушуниши, англаши ва идрок этиши, уларнинг нутқини ривожлантиришнинг самарали ёндашувларини аниқлаш, тўғри, равон ва онгли ўқишига ўргатиш методларининг самарали технологияларини ишлаб чиқиш,

¹ Инчхонская декларация и ЦУР 4 – Образование-2030: Рамочная программа действий //, Всемирный форум по вопросам образования Инчхоне, Республика Корея, с 19 по 25 мая 2015 г. – 85 с.

амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчиларни барча фуқаролар сингари teng имкониятларга эга бўлишини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ҳаёт фаолиятидаги чекланишларини бартараф этиш, тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлайдиган технологиялар ишлаб чиқиш ҳамда ўқувчиларда ўқиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик даражасини ошириш, бадиий-эстетик тафаккурини тарбиялаш, болалар адабиётида адабий таълим-тарбия тушунчаларини шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Хозирги техника асрида ҳар бир оила вакилининг гаджетларга керагидан ортиқ ружу қўйиши энди шаклланаётган фарзандларга ҳам ўз таъсирини қўрсатмай қолмаяпти. Натижада ўзаро мулокот камайиб, боланинг нутқий ривожланишига салбий таъсир қўрсатмоқда. Нутқий ривожланишнинг орқада қолиши ўқиш бузилишига сабаб бўлувчи жараёндир. “Бошланғич таълим бўйича янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти” га кўра бошланғич таълим босқичида ўқувчиларнинг она тили ва ўқиш саводхонлиги таълими соҳаси бўйича тайёрлик даражасига қўйиладиган талаблар куйидаги уч параметрли стандарт мезон орқали акс эттирилади:

- а) ўқиш техникаси;
- б) ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш;
- в) фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси.

Ўқиш техникаси боланинг саводхонлик, ёзма нутқ белгиларини талаффузда ифодалаш кўникмасини аниқлаш мақсадида киритилган. Бу параметр орқали ўқувчининг нотаниш бўлган матнни ифодали ўқий олиш кўникмаси аниқланади. Бунда миқдорий кўрсаткич сифатида ифодали ўқиш тезлиги, яъни берилган матндан бир дақиқада нечта сўз ўқий олиш кўрсаткичи белгиланган. Синфдан синфга ўтишда, миқдорий кўрсаткичдаги белгилар сони ошиши билан бирга, берилган

матнни ўқишидаги талаблар ҳам боланинг ёшига монанд равишда ортиб боради.²

Нутқ бузилишига эга болаларда савод ўргатишнинг турли даврларида ўқиши бузилиши кузатилади ҳамда дислексияга олиб келади. Дислексия- интелекти сақланган, кўриш, эшитиш бузилишига эга бўлмаган, таълим олишга иқтидори бўлган болаларнинг ўқиши қўнималарини ўзлаштира олмасликдир. Дислексиянинг (ўқиши бузилиши) турлари - мнестик, фазовий тасаввур, оптик характердаги турлари намоён бўлади. Шу билан бундай болаларда лугатнинг бой эмаслиги, сўз ўзгартириш жараёнининг заиф ривожланганлиги, гап ва матннинг тузилишини ўзлаштиришда қийинчиликлар кузатилади. Буларнинг барчаси ўқувчининг ўқиши малакаларининг шаклланишининг техник томонига таъсир этиб, ўқиши техникасини ўзлаштириш жараёнининг узоқ муддатга чўзишига олиб келади ҳамда, узлуксиз холда боғлиқ бўлган ўқиган сўзини, сўз бирикмаларини, гапларни, матнни тушунишида акс этади.

Бундай муаммоларни бартараф этиш учун ўқитувчи ота-она ҳамкорлигига бола билан доимий тизимли фаолиятни олиб бориши зарур. Тизимли фаолият сифатида биз қуидагиларни тавсия қиласиз:

-боланинг копток ўйнашини кундалик фаолиятга киритиш (бу холат болада тезкорликни шакллантиради, миянинг иккала ярим шарлари фаолиятини ривожлантиради);

-қисқа шеърий матнларни ёд олиш, ҳамда мазмунини ёритиш;

-доимий равишда эртак тинглаш воқеалар кетма-кетлигини эслаб қолиш;

-фазода мўлжал олиш (чап, ўнг, тепа, паст, орқа, олд ва ҳ.);

-харфларнинг график кўринишини амалда кўрсата олиш;

-товушларнинг талаффузига кўра турларини фарқлани билиш;

² РБИММ Ривожланишида нуқсони бўлган болалар диагностикаси 2019 й.

-бўғин ҳосил қилишни билиш (“т” товушига “а” товушини қўшиб айт топшириғида “та” деб айта олиш ва х.);

-сўзларни бўғинларга ажратишни билиш;

-тапларни сўзларга ажратишни билиш;

-тап тузишни билиш;

Барча фаолиятни олиб боришда соддадан мураккабга таянилади. Шеърий матнларни болага аввал содда мазмунли осон ёд олинадигани танлаб олинади. Шунда ўқувчи шеър ёд олишга қизиқиши ортади. Ўқувчини босқичма-босқич дарсликда берилган шеърларни ёд олишга кўнигириб борилади.

Эртаклар билан таништириш ва унинг мазмунини тўлиқ ўзлаштириш учун расмли адабиётлар ҳамда видео материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир жумлани ёки воқеликни тинглагач ўқувчидан савол ёрдамида тушунгани хақида маълумот олиниб, ўқувчи тушунмаган холатлар тўлиқ тушунишига эришилади. Якуний хулоса муҳокама қилинади. Ўқувчидан эртакни воқеалар кетма-кетлигига риоя қилган холда сўзлаб бериш тавсия этилади. Бунда китобдаги расмлар ёки видео материалга таянилади.

Фазода мўлжал олишни ривожлантириш учун чап ва ўнг, тепа-паст, орқа-олд томонга ҳаракатлантирувчи ўйин фаолиятидан фойдаланиш ва бу жараёнларни шакллантириш ўқувчининг ҳарф элементларини ўзлаштириб олишга тайёрлов даврини ўтайди.

Ҳарф элементларини ўзлаштириш учун биз кундалик фаолиятимизда учрайдиган предметларга ўхшаш томонларини ёритсак ва шерий тарзда ифодаласак ўқувчининг эслаб қолишига хизмат қиласи.

Масалан

алифбонинг боши “А”, буни ҳамма билади,



Машхурликда керилиб,

оёқни кенг қўяди.

Товушларни талаффузга кўра турларига ажратишга эришиш учун ўқувчининг мустақил равишада унли товушнинг талаффузи жараёнида ўпкадан чиқаётган ҳаво тўсиққа учрамаслиги ва ундош товушлар талаффузи жараёнида ҳаво оқими лаб, тиш, бўғизда тўсиққа учрашини фарқлай олиши орқали эришилади.

Товушларни унли ҳамда ундошларга ажрата оладиган ўқувчига бўғин ҳосил қилиш ва ўқишига ўргатиш жараёни мураккаб кечмайди. Кейинги жараён сўзларни бўғинга ажратишда ҳар бир бўғиннинг таркибидаги товуш ҳарфларни таҳлилини ўтказиш кўнимаси шакллантирилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки шахснинг камол топишида ўқитувчининг роли катта. Унинг маҳорати, изланувчанлиги, ҳар бир ўқувчига унинг имкониятлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашиши ундан ташкилотчилик, ижодкорлик, ўз билим ва малакаларини дарс жараёнида мохирона қўллай олишни талаб этади. Ўқитувчи шу билан бирга ўзгалар фикрига таъсир ўтказа олиши, ота-оналарни фарзанд тарбиясида ўқитувчи билан ҳамфикир бўлиши келажакда унинг етук инсон сифатида шаклланишига хизмат қилишига ишонтира олиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Инчиханская декларацияси и ЦУР 4-Образования-2030: Рамочная программа действия// 2015 г. -85c.
2. РБИММ Ривожланишида нуқсони бўлган болалар диагностикаси 2019 й.